



O'ZBEKISTON OVOZI

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.16

Shu aziz Vatan — barchamizniki

«Бир сўз билан айтганда, фарзандларимизга нафақат ишонч билдириш, балки уларга ўзини амалда намоеън этиши учун майдонни кенгайтириш керак».

• 2008-йил • 22-январ • Seshanba • 10 (27.815) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-йил 21-йундан чиқа бoshлаган

Анжуман



Ёшларга оид қонунчилик — янги босқичда

Мамлакатимиз аҳолисининг олтинчи фоиздан кўпрогини ёшлар ташкил этади. Шунинг ҳисобига олганда, ушбу қатлам юртимизнинг чин маънодаги таянчи ва суянчидир. 2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши ўз-ўзидан бу борадаги сиёсатни янада юксак босқичга кўтариб, ёшларга оид қонунчиликни қайта кўриб чиқишни ҳамда уни бугунги кун талаб-эҳтиёжларига тўла мувофиқлаштиришни талаб этади.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган «Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг роли» мавзусидаги конференцияда худди шу хусусда сўз борди.

Мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб юртимизда ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, 1991 йил 20 ноябрдаёқ «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Шу билан бирга, юртимиз ёшларининг қонуний ҳуқуқ ва бурчлари кафолатланди. Шундан сўнг ўтган вақт мобайнида ёшларга доир яна қатор меъриёв ҳужжатлар ишлаб чиқирилиб, изчил равишда ҳаётга татбиқ қилинди. Мазкур қонун ҳуж-

жатлари бугунги кунда ёшларимиз манфаатини, уларнинг фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, фарзандларимизни ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб камол топишида муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шундай бўлса-да, тезкор тараққиёт, замоннинг шиддат билан ўзгариши «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунга ўзгаришлар киритиш, уни янги тахрирда қабул қилиш эҳтиёжини туғдиришмоқда. Анжуманда иштирокчилар шу ҳақда тўхталар экан, ишлаб чиқилган қонунлар, киритилган ўзгаришларда бевосита ёшларнинг бугунги ҳуқуқ ва эҳтиёжларидан, уларнинг фикр-мулоҳазалари, дунёқарашидан келиб чиқиб иш тўғрисида лозимлигини таъкидлашди.

4-бет

Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!

«Хумо — Уч» ташқи бозорда ҳам машҳур

Учкўприк туманидаги «Хумо — Уч» ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз харидорларига эга.

— Бугунги кунда маҳсулотларимизга талаб ошиб бормоқда. Уни Россия, Украина, Туркия каби давлатларга экспорт қилмоқдамиз, — дейди жамият бошқаруви раиси ўринбосари Бахтиёр Қодиров. — Сифатли ва пишиқ калава ип маҳсулотларимиз барчага манзур бўлмоқда. Шунинг эвазига кўпга буюртмалар қабул қилинаётир. Бу эса корхонамизда меҳнат қилаётган 750 нафар йигит-қизни янада ғайрат билан ишлашга ундамоқда.

Суратларда: ишчи Намуна Қурбонова; ҳиссадорлик жамиятида иш қизгин. Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.



Флора: доривор ўсимликлар

Миллий фармацевтика хомашё манбалари ва улардан самарали фойдаланиш истиқболи

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, дори воситаларининг 25-35 фоизи, антибиотикларнинг эса қарийб 40-50 фоизи мақсадли фойдаланилмайди. Айни пайтда республикамизда 5000 дан зиёд дори воситалари Давлат реестрида қайд этилган.

Таққос

Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли Қорақалпоғистон Республикасида мисолида

Ҳозир республика олий ўқув юртиларида 14 минг нафар талаба тахсил олаётти. Шаҳар аҳолининг 65 фоизини 25 ёшгача бўлган йигит ва қизлар ташкил этади, ҳар ўн нафар нуқсусликнинг бири талаба.

«Пахтакор» — чорак финалда

Футбол бўйича Санкт-Петербург (Россия)да ўтаётган аънанавий МДХ кубоги халқаро турнирида муваффақиятли иштирок этаётган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси мuddатидан илгари чорак финалга йўлланма олди

Президентимизнинг тақдирномасига биноан Олий Мажлис Сенатининг 2007 йил 30 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн беш йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорни мамлакатимизда инсон қадр-қиммати олий қадрият сифатида эъзозланаётганининг, бағрикенглик ва инсонпарварлик тамойиллари устуворлигининг яна бир ифодаси бўлди.

Бағрикенгликнинг амалий ифодаси

Ушбу қарорга мувофиқ Самарқанд вилоятида ҳам 900 нафарга яқин фуқарога амнистия акти қўлланилди.

— Озод этилган фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш ва ишга жойлаштириш бўйича вилоят соғлиқни сақлаш, ички ишлар, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда, — дейди вилоят ҳокимлиги хузуридаги муқаддам судланганларни ижтимоий муҳитга мос-

лаштириш маркази раҳбари ўринбосари Абдухалил Жабборов. — Собик маҳкумларга тақдим этилган ҳужжатлар асосида белгиланган тартибда моддий ёрдам берилмоқда. Ҳозирга қадар бизга мурожаат қилган 120 нафардан зиёд ана шундай фуқарога моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, уларнинг барчаси тиббий кўриқдан ўтказилди, олти киши саломатлигини тиклаш учун даволаш-профилактика муассасаларига жойлашти-

рилди, 17 кишига даволашни учун шарт-шароит яратиб берилди.

Озодликка чиққанларни ишга жойлаштириш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда вилоят бўйича мингдан зиёд қўшимча иш ўрни ажратилган. Айни пайтгача 130 нафардан зиёд муқаддам судланганлар ишга жойлаштирилди.

Ф.ҲАСАНОВ, ЎЗА мухбири

Янги иш ўринлари очилди

Жиззах шаҳридаги «Жиззахмебель» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилиши йигирмадан зиёд иш ўринлари очилди.

Хорижий сармояларни жалб қилиш ишлаб чиқариш қувватини янада оширишга шароит яратди. Ҳозир корхонада тайёрланаётган уй-рўзгор ва офис мебелларига талаб тобора ошиб бораётир.

— Янги йилдан қирқ турдаги мебель

ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, — дейди корхона директори Исоқ Эргашев. — Бозор талаблари ва миқдорларимизнинг буюртмалари асосида йил давомида 600 миллион сўмлик мебель буюмлари ишлаб чиқармоқчимиз. Маҳсулот турларини кўпайтириш, харидорнинг замонавий мебеллар яратиш асосий мақсадимиздир.

Т. БЕКНАЗАРОВ, ЎЗА мухбири

2008 йил — Ёшлар йили

Бухоро: янги уй-жойлар

Вилоят марказида корхона ва ташкилотлар талаби ҳамда кафолат хатлари асосида ёш оилалар учун ҳар бири 32 хонадонли иккита «Камолот» уйлари қурилиши бошланди. Уларни «Мир Кулол» хусусий қурилиш трести бинокорлари бунёд этишмоқда. Лойиҳа қиймати 2,5 миллиард сўмлик мазкур бинолар Наврўз байрами арафасида фойдаланишга топширилади.

Қоровулбозордаги Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг ишчилар шаҳарчасида фойдаланишга топширилган замонавий кotteжларга 35 ёш оила кўчиб ўтди.

Бу ерда ўтган Ижтимоий ҳимоя йилида ҳам корхона ишчи-хизматчиларига 71 та уй-жой берилган.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI AXBOROTI

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 22 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боҳона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:

1 Австралия доллари	1147,44	1 Польша злотийси	532,19
1 Англия фунт стерлинги	2536,22	1 СДР	2052,22
1 Дания кронаси	256,44	1 Туркия лираси	1110,63
1 БАА дирҳами	352,16	1 Швейцария франки	1180,58
1 АҚШ доллари	1293,33	1 ЕВРО	1908,96
1 Миср фунти	237,13	10 Жанубий Корея воени	13,75
1 Исландия кронаси	20,09	10 Япония йенаси	120,49
1 Канада доллари	1266,73	10 Россия рубли	53,10
1 Хитой юени	178,50	1 Украина гривнаси	256,10
1 Малайзия ринггити	396,00		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston havo yo'llari



Хизматлар лицензияланган

Флора: доривор ўсимликлар

Таълим ва ислоҳот

Миллий фармацевтика хомашё манбалари ва улардан самарали фойдаланиш истиқболи

Инсон сийҳат-саломатлигини ҳимоялашда организмнинг ўсимлик билан генетик яқинлиги, улар таркибидagi биофаол моддалар ва олинadиган фитопрепаратларнинг таъсири самаралидир. Шунингдек, ўсимлик хомашёсининг бизга бўлган ижобий таъсири кўп қиррали ҳамда арзон.

Ҳукуматимиз томонидан мустақиллик йилларида фармацевтика таълимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилди, соҳа санoати тубдан янгиланди. Бугунги кунда миллий фармацевтикамизда жаҳон андозаларига мос янги дори-дармонлар яратилди.

Тошкент фармацевтика институти ректори, фармацевтика фанлари доктори, профессор Аҳмад ЮНУСХУЖАЕВ билан суҳбатимиз шу ҳақда.

— Аҳмад Нигманович, аввало, миллий дори-усуолигимизнинг хомашё манбаларидан оқилона фойдаланиш ва улар захирасини бойитиш борасида қандай амалий ишлар олиб бориляпти?

— Маълумки, республикамиз турли иқлимли худудларни ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам юртимиз флораси турли-туман ўсимликларга бой. Республикамизда ўсади-



ер усти бойликлари, биохилма-хилликни асраб-авайлаш, улардан оқилона фойдаланиш зарур.

Доривор ўсимликлардан илмий асосланган ҳолда комплекс ва ҳамма қисмлардан тўлиқ фойдаланилганда уларни табиий ўсиш жойида захираларини сақлаб қолиш мумкин бўлади. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, маҳаллий флоранинг янги истиқболли доривор ўсимликларини ўрганиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш биофаол моддалар официнал манбаларининг хомашё базасини кенгайтиришга имкон беради.

2-бет

Ёшларга оид қонунчилик — янги босқичда

(Давоми. Боши 1-бетда)

Муҳаббат АБДУЛЛАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзДҚП фракция аъзоси:

— Мамлакатимизда Мустақиллик йиллари келажак авлод баркамоллиги йўлида ўзига хос собитқадам сиёсат олиб борилмоқда. Ижтимоий соҳага йўналтирилган давлат бюджетининг асосий қисми ёшларимиз таълим-тарбиясига қаратилмоқда. Шу борада ёшларга оид қонунчиликни ривожлантиришда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг роли беқиёслигини унутмаслик лозим. Бунда ёшлар билан ишловчи бошқа ташкилотлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни ривожлантириш алоҳида ўрин тутди.

— 2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилинган бизни ҳаяжонлантирган бўлса, «Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонуннинг янги тахрирда тайёрла-



ниш жараёнида бевосита ўз муносабатимизни билдиришимиз мени янада руҳлантириб юборди. — дейди **ЎЗМУ талабаси Бахтиёр Худойберганов**. — Конференция сабаб, юртимизда бизнинг ҳуқуқ ва эркинликларимиз

қатор қонун ҳужжатлари билан таъминланишини ва ундан тўлақонли фойдаланишимиз лозимлигини янада чуқур ҳис этдим. Уйлайманки, қонуннинг янги лойиҳаси барчага бирдай тушунарли тилда тайёрланиб, у жамияти-

мизда ёшларга оид сиёсатнинг меъёрий асоси бўлиб қилади.

Жасур ҲУСАНОВ
Суратларда: тadbирдан лавҳалар.
Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.

Тақдимот

«LG Grant» грантлари

Мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган эътибор бугун ҳар томонлама юксалмоқда. Бунинг истеъдодли талаба-ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим ва қобилиятини янада кенгайтириш мақсадида 2003 йилдан буюн ўтказиб келинаётган «LG Grant» танлови мисолида ҳам кўрса бўлади.

Жаҳон коммуникация бозорига энг нуфузли LG Electronics компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги ҳамда «Камолот» ёшлар ижти-

мой ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу танловда ҳозиргача эллика яқин талаба грант соҳиби бўлиб, улардан беш нафари Жанубий Кореяда ўз малакасини ошириб қайтди.

Яқинда «Камолот» ЕИХ марказий кенгашида грантнинг бу йилги тақдими муносабати билан бўлиб ўтган матбуот анжуманида самарқандлик талабалар ҳам лойиҳада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритгани таъкидланди. Эндиликда Тошкент ва Самарқанд ёшлари ўнтадан йўналиш бўйича танловда ишти-

рок этади. Грантлар миқдори эса беш юз минг сўмдан бир миллион сўмгача оширилган.

Тadbирда Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Хуррам Хайдаров, «Камолот» ЕИХ марказий кенгаши раиси ўринбосари Қаҳрамон Куронбоев, LG Electronics компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раиси Ким Жонг Хван журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

(Ўз мухбиримиз)

Муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси билан 2008 йил — Ёшлар йили деб эълон қилинди

Ёшлик — ривожланиш ва юксалиш даври!

Юртимиз ёшларини қўллаб-қувватлаш мақсадида

АТ «ПАХТА БАНК»

ўзининг янги, қулай ва манфаатли йиллик 30 фоиз даромад тўланадиган

«БАРКАМОЛ АВЛОД» жамғарма омонат турини жорий этди.

Омонатга ҳисобланган фоизли даромадингизни пул ўтказиш йўли билан Сиз:

- таълим кредити ва таълим контрактини тўлашингиз;
- ипотека ва истеъмол кредитини сўндиришингиз;
- коммунал тўловларини тўлашингиз;
- ҳисобланган фоизларни нақд пулда олишингиз мумкин.

Омонатни сақлаш муддати 18 ойгача.

Бошланғич бадаи миқдори — 10 000 сўм.



«Пахта банк» — фаровонлигингиз калитидир!

Диққат, танлов!

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг

«Йилнинг энг фаол журналисти» танловига марҳамат!

Азиз ҳамкасблар! Ўзбекистонда «Ижтимоий химоя йили» деб эълон қилинган 2007 йил ҳам энди тарихга айланди. Утган йили мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ этиш, жамиятимизни демократлаштириш ва янгилаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳамда аҳолини моддий қўллаб-қувватлашни кучайтириш йўлида жуда катта бунёдкорлик ва хайрия ишлари амалга оширилди.

Халқимиз эришаётган ютуқларни, унинг ўй-мақсадларини кенг ёритишда оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган сиз, журналистларнинг хизматларингиз катта.

Азиз ҳамкасблар, жамоатчи мухбирлар, сизларни «Йилнинг энг фаол журналисти» танловида қатнашишга таклиф этамиз. Танловга 2007 йил июндан 2008 йил июнгача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатишган телекўрсатув ва радиозиттиришлар қабул қилинади.

Материаллар тахририят тавсияси билан Ижодий уюшманинг Қорақалпоғис-

тон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимлари орқали тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан бирга муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумот ва паспорт нусхаси илова қилиниши керак.

«Йилнинг энг фаол журналисти» танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қўнига бағишлаб 2008 йил 27 июнда ўтказиладиган байрам тadbирларида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар қўйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси. 3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар. Телефонлар: 144-64-62; 144-37-87. Факс: 144-69-65 E-mail: ijod@sarkor.uz www.Journalist.uz

Спорт

Чемпионнинг ғалабаси

Профессионал бокснинг нуфузли йўналишларидан бири WBA (Бутунжаҳон бокс уюшмаси) бўйича ўта оғир вазн тоифасидаги жаҳон чемпиони Руслан Чагаев буюк британиялик Мэтт Скелтонни очколар ҳисобида мағлубиятга учратди



Ёдингизда бўлса, 2007 йилнинг 14 апрелида ҳамюртимиз Руслан Чагаев россиялик Николай Валуевни енгиб, олтин камарни қўлга киритган. 19 январь

оқшомда Германиянинг Дюссельдорф шаҳрида Мэтт Скелтонга қарши ўтказилган жангда Руслан муваффақият қозониб, олтин камарни ўзида сақлаб қолди.

Агар боксчилар ўртасидаги тафовутни таққосласак, Руслан Чагаев айни чоғда йигирма тўққиз ёшда, 103,963 кг. вазнга эга. Қирқ ёшли Мэтт Скелтоннинг вазни эса 115,484 кг. тош босарди. Ўн икки раундлик жанг ўзбекистонлик боксчининг устунлигида кечди. Яқинда жаҳон чемпиони Руслан Чагаев буюк британиялик Мэтт Скелтон устидан очколар (117:110, 117:111, 117:111) ҳисобида муносиб ғалаба қозонди.

Энди ҳамюртимизнинг навбатдаги рақиби шу йилнинг 16 февралда Николай Валуев — Сергей Ляхович (Белоруссия) ўртасида ўтказиладиган учрашувдан сўнг маълум бўлади.

Қатар — Ўзбекистон — 1:2

Шу кунларда Дохада футбол бўйича ёшлар ўртасида халқаро турнир ўтказилмоқда. Унда Қатар, Хитой, Кипр, Ўзбекистон, Япония, Германия, Польша ҳамда Миср ёшлар терма жамоалари ўзаро баҳс юритишмоқда.

Қуръага кўра, Аҳмад Убайдуллаев бош мураббийлик қилаётган мамлакатимиз ёшлари «А» гуруҳидан ўрин эгаллаган. Ярим финалга йўланма олиш учун вакилларимиз мезбонлар, Кипр ҳамда Хитой футболчиларига қарши майдонга тушишмоқда.

Мусобақанинг «В» гуруҳида эса Миср, Германия, Польша, Япония ёшлар терма жамоалари ўзаро курашадилар.

Илк учрашувда Ўзбекистон футболчилари қатарликларга қарши тўп суриб, 2:1 ҳисобида зафар қўчиди. Тўпларни вакилларимиздан Шерзод Каримов, Даврон Мирзаевлар кирит-



ди. Гуруҳнинг иккинчи ўйинида дуранг натижа қайд этилди: Хитой — Кипр — 1:1.

Бугун ўтадиган иккинчи тур учрашувларида ёшларимиз хитойлик тенгдошлари билан куч синашади. Эслатиб ўтамиз, еттинчи мартаба ўтказилаётган мазкур мусобақа ғолиби 80 минг доллар миқдоридagi мукофотни қўлга киритади.

«Пахтакор» — чорак финалда

Футбол бўйича Санкт-Петербург (Россия)да ўтаётган аънанвий МДХ кубоги халқаро турнирида муваффақиятли иштирок этаётган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси муддатидан илгари чорак финалга йўланма олди

Турнирнинг амалдаги чемпиони — «Пахтакор» футболчилари мусобақанинг «Д» гуруҳидан жой олишган. Дастлабки турда ҳамюртларимиз Украинанинг «Динамо» (Киев) жамоасига қарши майдонга тушдилар. Учрашув тақдирини мохир ҳужумчи Зайниддин Тожиев томонидан киритилган тўп ҳал қилди — 1:0. Гуруҳнинг «Бананц» (Арманистон) — БАТЭ (Белоруссия) жамоалари ўртасида ўтказилган иккинчи ўйинида дуранг натижа қайд этилди — 1:1.

Иккинчи турда пахтакорчилар Арманистон чемпионига қарши тўп суриб, рақиблири дарвозасига жавобсиз учта тўп

киритишди — 3:0. Тўпларга вакилларимиздан Зайниддин Тожиев, Анваржон Солиев ҳамда Илхом Суоновлар муаллифлик қилдилар. Мазкур ғалаба футболчиларимизга муддатидан илгари чорак финал йўланмасини тўхфа қилди. «Динамо» (Киев) — БАТЭ учрашувидан жамоалар яна муроса йўлини танлашди — 1:1.

Мусобақанинг қолган гуруҳларида эса қуйидаги натижалар қайд қилинди: «А» гуруҳи. «Зенит» (Россия) — «Шериф» (Молдова) — 3:1, «Левадия» (Эстония) — «Ашхобод» (Туркменистон) — 1:0, «Ашхобод» — «Зенит» — 2:1, «Шериф» — «Левадия» — 3:0. «В» гуруҳи.

«Актобе» (Қозғистон) — «Регар-ТадАЗ» (Тожикистон) — 5:0, «Хазар» (Озарбайжон) — «Каунас» (Литва) — 3:0, «Хазар» — «Регар-ТадАЗ» — 2:1, «Каунас» — «Актобе» — 4:2. «С» гуруҳи. ОФК (Сербия) — «Олимп» (Грузия) — 0:2, «Вентспилс» (Латвия) — «Дордой-Динамо» (Киргизистон) — 1:0, «Вентспилс» — ОФК — 2:0, «Олимп» — «Дордой-Динамо» — 3:2.

Бугун бўладиган учинчи тур баҳсларида «Пахтакор» жамоаси БАТЭ футболчилари билан ўзаро куч синашади.

Эркин ХОЛБОБО

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари жамоаси собиқ мухбир Пўлат Гадоевага онаси **ЗУЛАЙХО** момонинг вафоти муносабати билан таъзия изхор этади.

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afhor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihidin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Kotibiyat 233-72-83, 136-55-17
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 50
15774 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.10
Topshirilgan vaqti — 23.50
1 2 3 4 5 6 7
Sofuvda erkin narxda